

Амали солиҳга шошилиш вожибдир



13:40 / 15.02.2019 5228

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кечанинг зулмат бўлақларига ўхшаш фитналар келгунча амалларни қилиб қолишга шошилинг. Ўшанда киши мўмин бўлиб тонг отдириб, кофир бўлиб кеч киритади. Мўмин бўлиб кеч киритиб, кофир бўлиб тонг отдиради. У ўз динини дунёнинг ўткинчи ҳавасига сотади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом кучли фитна бўладиган замон келишидан олдин солиҳ амалларни қилиб қолишга тарғиб қилмоқдалар. Бу ҳаммага вожибдир.

Шундоқ замонлар бўлар эканки, унда одам бир кечаю кундуз орасида иймон ва куфрда тез-тез алмашиб турар экан. Энг даҳшатлиси, банда ўз динини дунё учун сотиб юборар экан. Аллоҳ таолонинг Ўзи асрасин!

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Етти нарсадан олдин амалларга шошилиг! Сизлар унутилган фақирни, туғёнга кетказувчи бойликни, бузғунчи хасталикни, фоний қилувчи қариликни, шошқалоқ ўлимни ва Дажжолдан бошқа нарсени кутаётганингиз йўқ. Бас, (олдинда) кутилаётган ёмонлик ёки (қиёмат) соати бордир. Соат эса, шиддатли ва аччиқдир», дедилар».

Термизий ва ал-Ҳоким ривоят қилишган.

Шарҳ: Заррача ақли бор одам боласи ўзича бир ўйлаб кўрса, албатта, уни келажакда ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарсалар кутаётганини англаб етади. Уларнинг ёмонлигидан қутулиш учун эса, ёмонликлардан узокда бўлиш, иложи борича кўпроқ амали солиҳ қилиш зарур бўлади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Олти нарсадан олдин амалларга шошилиг: қуёш мағрибдан чиқишидан, Тутундан, Дажжолдан, Даббадан, ўлимдан ва омманинг амридан», дедилар».

Муслим ва Аҳмад ривоят қилишган.

Шарҳ: «Омманинг амри» иборасида қиёмат кўзда тутилган.

Бу нарсалар қиёматнинг аломатлари бўлиб, улар билан ўз ўрнида батафсил танишамиз.

Хуллас, банда имкони борида амали солиҳни қилиб қолиш пайдан бўлиши лозим. Аллоҳ таоло уни шунга амр қилган. Бошқа турли баҳоналарни топиб, ибодат, тақво ва яхши амаллар қилишдан ўзини четга олишига амр қилмаган.